

Мақсадимиз коррупсияга йўл қўймаслик, аҳолини бепул ва арзон дори-дармонлар билан таъминлаш



Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида туман ҳокими Анвар Нормаматов, туман ҳокимининг ўринбосари Нормўмин Алланазаров, тиббиёт бирлашмасига бириктирилган куратор-Вилоят тери-таносил диспансери бош врачлари Қудрат Ҳакимов ва туман тиббиёт бирлашма бошлиғи Норали Ҳидаевлар иштирокида марказий шифохонаси атрофида жойлашган дориҳона ходимлари ва туман тиббиёт бирлашмаси шифокорларига йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда коррупсияга йўл қўймаслик, ушбу ҳолатлар жиноят эканлиги, халқимизга тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолини бепул ва арзон дори-дармонлар билан таъминлаш тўғрисида айтиб ўтилди.

Шундан сўнг туман ҳокими туман марказидаги дориҳоналарга кириб, нархлар ҳамда дориларнинг беморларга шифокор ретсепти бўйича берилиши лозим эканлиги сотувчиларга тушунтирилди.